ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.01.2020. K/T.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

МАҲМАДИЁРОВА ЧАРОСХОН ЭРКИНОВНА

АЛМАШИНГАН ДЕЗОКСИПЕГАНИНЛАР ВА УЛАРНИНГ КИСЛОРОДЛИ АНАЛОГЛАРИ СИНТЕЗИ ҲАМДА РЕАКЦИЯЛАРИ

02.00.03-Органик кимё

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎТ: 547.944/945+547.856

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical sciences

Маҳмадиёрова Чаросхон Эркиновна
Алмашинган дезоксипеганинлар ва уларнинг кислородли аналоглари синтези ҳамда реакциялари ……..……..... 3

Махмадиярова Чаросхон Эркиновна
Синтез и реакции замещенных дезоксипеганинов и их кислородных аналогов 23

Makhmadiyorova Charoskhon
Synthesis and reactions of substituted deoxypeganines and their oxygene analogues …….... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …… 47

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.01.2020. K/T.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

МАҲМАДИЁРОВА ЧАРОСХОН ЭРКИНОВНА

АЛМАШИНГАН ДЕЗОКСИПЕГАНИНЛАР ВА УЛАРНИНГ КИСЛОРОДЛИ АНАЛОГЛАРИ СИНТЕЗИ ҲАМДА РЕАКЦИЯЛАРИ

02.00.03-Органик кимё

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/K112 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши Давлат университети ва Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Элмурадов Бурхон Жураевич,** кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Махсумов Абдулҳамид Ғофурович,** кимё фанлари доктори, профессор
	Ходжаниязов Хамид Ўткирович, кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_ _»___ _____ соат_ _____ _ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____»_____да тарқатилди.

(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш. Ш. Сагдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, профессор

Н. К. Хидирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, кимё фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Э. Х. Ботиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси
кимё фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда юқори самарали фармакологик фаол бирикмаларнинг мақсадли синтез усулларини яратиш ва уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли қўллаш муҳим ҳисобланади. Бу борада арзон ва самарали маҳаллий препаратлар яратиш, уларнинг физик-кимёвий ва биологик хоссаларини янада яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт амалиётида бензол ҳалқаси билан конденсирланган пиримидинлар (хиназолинлар) асосида яратилган препаратлар кенг қўлланилмоқда. Хусусан, мазкур синф бирикмалари асосида яратилган препаратлар вирусларга, микробларга, шамоллашга ва саратонга қарши, шунингдек, стимуляторлар ва пестицидлар сифатида ишлатилмоқда. Бунга охирги йилларда саратон касаллигининг ҳар хил турларига қарши муваффақиятли қўлланилиб келинаётган иматиниб, эрлотиниб ва афатиниб дори воситалари мисол бўлади. Шунинг учун, таркибида мазкур фармакофор - хиназолин ҳалқасини тутган янги, потенциал биологик фаол бирикмаларнинг мақсадли синтезини ва кимёвий модификациясини амалга ошириш, уларнинг физик, кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш, танлаб олинган «номзод» моддалар асосида янги дори воситаларини яратиш жуда долзарб ҳисобланади.

Органик, биоорганик ва тиббий кимё соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлили молекуласида хиназолин ҳалқасини сақлаган бирикмалар билан жуда кенг илмий-амалий изланишлар олиб борилаётганини ва улар асосида яратилган препаратлар сони кўпайиб бораётганини кўрсатади. Лекин, ўсимлик, ҳайвон ва инсон касалликлари турларининг ортиб бориши ва препаратларга мослашувчанликнинг пайдо бўлиши янги ва янада самарали дори воситаларига зарурат сақланиб қолаётганлигини билдиради. Шунинг учун, бугунги кунда маҳаллий хомашёлар асосида дори воситаларини яратишни ривожлантириш, илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва фармацевтика бозорини янги, сифатли ва рақобатбардош дори воситалари билан таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, хиназолин алкалоидлари ва уларнинг янги ҳосилаларини синтези, тузилиши ва реакцион қобилиятини ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, ҳамда таркибида янги фармакофор фрагментлар бўлган биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон фармони, 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805 сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. Кимё фанлари, кимёвий технологиялар ва нанотехнология устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Трициклик хиназолин алкалоидлари деярли 100 йилдан бери доимий тадқиқ қилиб келинмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу синф бирикмалари асосидаги изланишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – J.P. Michael, K. Nepali, S. Sharma, S.B. Mhaske, N.P. Argade, M.T. Richers, W.R. Bowman, T. Harayama, S.P. Chavan, C. Zhang ва бошқалар би- ҳамда трициклик хиназолин алкалоидлари синтези, модификацияси ҳамда амалиётда қўлланилишини ўрганиш билан шуғулланишган. Республикамизда мазкур йўналиш ривожига С.Ю. Юнусов, Х.Н. Арипов, Т.С.Туляганов, М.В. Тележенецкая, Н.Т. Туляганов, Ч.Ш. Кадыров, Ф.С. Садритдинов, Х.М. Шахидоятов, Н.Д. Абдуллаев, Ф.Н. Джахангиров, Х.Н. Хашимов, А. Ирисбаев, Э.Орипов, Б.Ж. Элмурадов, Б. Ташходжаев, М.Г. Левкович, Н.И. Мукаррамов, А.Ш. Абдуразаков, А.О.Насруллаев ва бошқалар ўз изланишлари билан хиназолин алкалоидларининг табиатда тарқалиши, уларнинг ҳосилаларини синтези, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаоллигини аниқлашга ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда асосан (тио)карбонил гуруҳлари тутган би- ва трициклик хиназолин-4-онларнинг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан реакциялари ўрганилган. Лекин, дезоксипеганин, унинг ҳосилалари, ҳамда кислородли аналогларининг синтези ва қиёсий кимёвий ўзгаришлари ҳамда биологик фаолликлари тўғрисидаги маълумотлар адабиётларда кам келтирилган. Шунинг учун, ушбу табиий алкалоид ва унинг синтетик аналогларининг реакцияларини қиёсий ўрганиш, натижаларни кислородли аналоглари билан таққослаш, олинган янги ҳосилаларнинг тузилишини аниқлаш, истиқболли моддаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш, янги биологик фаол бирикмаларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф3-Т047 «Алкалоидлар ва уларнинг синтетик аналоглари қаторида янги С-С боғлар ҳосил қилиш усулларининг назарий асослари» (2007-2011), ФА-Ф7-Т207 «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» (2012-2016) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади моно- ва диалмашинган-дезоксипеганинлар, уларни айрим кислородли аналогларининг такомиллашган синтез усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг мақсадли кимёвий модификациясини амалга ошириш,

олинган натижаларни ўзаро таққослаш, синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дезоксипеганин, унинг кислородли аналоги (дезоксивазицинон) ва айрим гомологларини нитролаш натижасида тегишли моно- ва динитро-ҳосилалар синтезини амалга ошириш, реакцияларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

синтез қилинган мононитро-хиназолинлар, -хиназолонлар ва динитро-хиназолинларни турли шароитда қайтариш орқали олинган амино-ҳосилаларни айрим ацилловчи агентлар (сирка ангидрид, бензоил хлорид) билан реакцияларини амалга ошириш;

синтетик дезоксипеганинни ва унинг гидрохлоридини турли ароматик альдегидлар билан конденсациясини амалга ошириш ва реакциялар йўналишини аниқлаш;

дезоксивазицинон, макиназолинон ва уларнинг ҳосилалари қаторида арилиден-маҳсулотларнинг муқобил синтез усулларини ишлаб чиқиш;

дезоксипеганиннинг молекуляр бром билан таъсирини амалга ошириш;

трициклик хиназолинлар ва хиназолонлар қаторида сульфонамидларнинг бир реакторли синтез усулларини ишлаб чиқиш;

бром-хиназолонлар ва амино-хиназолинлар қаторида бир босқичли кросс-бирикиш ва диазотирлаш/кросс-бирикиш реакцияларини амалга ошириш ва натижаларни қиёсий таҳлил қилиш;

синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида молекуласида амино- ва нитро-гуруҳлар, ҳамда бром атоми сақлаган дезоксипеганинлар, уларнинг кислородли аналоглари ва янги ҳосилалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети дезоксипеганин ва дезоксивазицинон қаторида селектив нитролаш, қайтариш, альдегидлар билан конденсация, бромлаш, хлорсульфониллаш, арилиден-ҳосилаларни олишнинг муқобил усуллари, сульфонамидларнинг бир реакторли икки босқичли синтези, кросс-бирикиш ва диазотирлаш/кросс-бирикиш реакциялари, синтез шароитлари, олинган моддаларнинг физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Нозик органик синтез усуллари, ИҚ-, ^{1}H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), Хиршфелд сирт таҳлили, хроматография (юпқа қатламли (ЮҚХ) ва колонкали (КХ)) ҳамда биологик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дезоксипеганин, дезоксивазицинон ва унинг айрим гомологларини нитролаш реакциялари субстратлар тузилиши ва нитроловчи аралашма концентрациясига боғлиқ ҳолда кетиб тегишли моно- ёки динитро-ҳосилалар ҳосил бўлиши кўрсатиб берилган;

синтез қилинган моно- ва динитро-хиназолинларнинг турли шароитда қайтариш реакциялари уларнинг кислородли аналоглари - нитро-хиназолонларга нисбатан секин ва қийинроқ кетиши аниқланган;

дезоксипеганинни ароматик альдегидлар билан реакцияси натижасида альдегидларнинг тузилишига қараб арилиден- ёки молекуласида хирал марказ сақлаган бирикмалар ҳосил бўлиши асослаб берилган;

алмашинган дезоксивазицинонлар ва макиназолинонлар қаторида уларнинг альдегидлар билан конденсация реакцияларида асосли (ТЭА) ва ишқорий (NaOH) катализаторлар иштирокида фақат арилиден-маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланган;

дезоксипеганиннинг молекуляр бром билан реакцияси унинг кислородли аналогларига ўхшаш тарзда кетиши исботланган;

илк маротаба бром атоми ва амино гуруҳлари сақлаган хиназолонлар ва хиназолинлар иштирокида кросс-бирикиш ва диазотирлаш/кросс-бирикиш реакциялари бориши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дезоксипеганин, дезоксивазицинон ва унинг гомологларини моно- ва динитролаш реакцияларининг самарали усуллари ишлаб чиқилган;

олинган нитро-ҳосилаларни селектив тарзда тегишли амино-ҳолилаларгача қайтариш усуллари яратилган;

дезоксипеганинлар ва турли альдегидлар иштирокида арилиден-ҳосилалар ва хирал бирикмаларни синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

дезоксипеганинни бромлаш, дезоксивазицинон, макиназолинон ва уларнинг алмашинган ҳосилалари қаторида арилиден-маҳсулотларнинг муқобил синтез усуллари яратилган;

илк маротаба алмашинган трициклик хиназолинлар ва хиназолонлар қаторида сульфонамидларни бир реакторли синтез қилиш ҳамда бир босқичли кросс-бирикиш ва диазотирлаш/кросс-бирикиш усуллари ишлаб чиқилган;

синтез қилинган бирикмалар орасида анальгетиклик, ингибиторлик, ўстирувчилик ва инсектицидлик хоссаларга эга бирикмалар борлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги замонавий ИҚ-, ^{1}H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хромотография (ЮҚХ, КХ), биологик ва бошқа тадқиқот усулларидан олинган натижалар асосида ишончли тарзда исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор қиёсий тарзда дезоксипеганин, дезоксивазицинон ва уларнинг гомологларини синтези, нитролаш, аминлаш, бромлаш, конденсация (альдегидлар иштирокида), хлорсульфониллаш, сульфонамидлаш, кросс-бирикиш, диазотирлаш/кросс-бирикиш реакциялари олиб борилган ва жараёнларга таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган бирикмалар орасида анальгетиклик, ингибиторлик, ўстирувчилик ва инсектицидлик хоссаларга эга бирикмалар борлиги, шунингдек амино, нитро, арилиден ва хирал бирикмалар, бромли, ацетил, хлорсульфонил, кросс-бирикиш маҳсулотларининг синтез усуллари яратилиши, 3 та бирикманинг РТТ натижалари халқаро Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилганлиги,

ҳамда 60 дан ортиқ бирикмалар синтез қилиниши ва улардан 44 тасининг янги эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг жорий қилиниши. Алмашинган трициклик хиназолинлар, хиназолонлар ва уларнинг янги ҳосилаларини синтез қилиш, кимёвий ўзгаришларини, олинган бирикмаларнинг тузилишини ва биологик хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

(4-нитрофенил)(1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-3-ил) метанол моногидрат, 2-амино-6,7,8,9-тетрагидро-11H-пиридо[2,1-b]хиназолин-11-он ва 2-нитро-6,7,8,9-тетрагидро-11H-пиридо[2,1-b]хиназолин-11-онларнинг РТТ натижалари Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, https://www.ccdc.cam, CCDC 834525, 2074781, 2074782). Натижада базага киритилган янги бирикмалар ўхшаш моддаларни тузилишини аниқлаш имконини берган;

аминодезоксипеганинлар синтези ва уларни ациллаш усуллари ВА-ФА-Ф-11-110 рақамли “Ацетиламинобензимидазол асосида юқори самарали антигельминт препарат олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада аминобензимидазолнинг 2-ацетил- ва -бензоил-аминоҳосилаларини синтез қилишда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 22 сентябр №4/1255-2597 сон маълумотномаси). Натижада биологик фаол 2-алмашинган-аминобензимидазолларни синтез қилишнинг самарали усулларини яратиш имконини берган;

1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-7-сульфонамид, 9-оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-7-сульфонамид, 9-оксо-1,2,3,9-тетрагидро-пирроло[2,1-b]хиназолин-7-сульфонилхлоридларни металл конструкциялар ва қурилмалар биокоррозиясига қарши ингибитор сифатида “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ да амалиётга жорий этилган (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2021 йил 23 июлдаги №732/GK-07-сон маълумотномаси). Натижада, металл конструкциялари ва қурилмаларининг эксплуатацион хоссаларини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола республика, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Табиий ва синтетик трициклик хиназолин алкалоидларининг синтези, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаоллиги»** деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Дезоксипеганин ҳосилалари синтези ва реакциялари»** номли иккинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган.

Алмашинган хиназолинлар ва хиназолонларнинг синтези. Алмашинмаган трициклик хиназолонларни (**1-7**) синтезида асосан анъанавий усулдан фойдаланилди. Хусусан, асосий объектлар - дезоксипеганин (ДОП, **1**), унинг гидрохлориди (**2**) ёки дезоксивазициноннинг (**3**) синтези учун дастлабки хомашёлар сифатида антранил кислота (АК) ва γ-бутиролактам ишлатилди. Мазкур ҳалқаланиш реакцияси фосфороксихлорид ($POCl_3$) иштирокида олиб борилди ва дезоксивазицинон (**3**) 85% унум билан олинди:



Реакция давомида дастлаб ҳосил бўлган **3** ажратиб олинмасдан, рух кукуни билан HCl (10%) иштирокида қайтарилиб дезоксипеганин (**1**, 40%) олинди. Гидрохлоридни (**2**) олиш учун **3** юқорида келтирилган шароитда қайтарилди. Таъкидлаш керакки, **1** концентрланган HCl (30%) таъсирида осон тузга (**2**, 90%) айланади. Тузни сувда эритиб, эритмага аммиак (25%) қўшилганда **1** миқдорий унум (98%) билан ҳосил бўлади:



АКнинг δ-валеролактам ёки ε-капролактам билан $POCl_3$ иштирокидаги ҳалқаланишидан гомологик қатор трициклик хиназолонлар (**4**, **5**) юқори унум (84-87%) билан олинди. 4-Бром-АК нинг γ-бутиролактам ва δ-валеролактам билан $POCl_3$ иштирокидаги конденсациясидан таркибида Br атоми сақлаган трициклик хиназолонлар (**6**, **7**) юқори унумлар (85-86%) билан синтез қилинди.

Трициклик хиназолонларни нитролаш. Молекуласида электроно-акцептор гуруҳ сақлаган трициклик хиназолин (**8**) ва хиназолонларни (**9-11**) олишда хомашё сифатида алмашинмаган ҳосилалар (**1**, **3-5**) қўлланилди. Молекулага битта нитро-гуруҳ киритиш учун дастлабки бирикмалар ва нитроловчи аралашма (HNO_3+H_2SO_4, НА) ўзаро 1:1 нисбатларда олинади:



8 (90%) **1**, **3-5** **9**, n=1 (85%); **10**, n=2 (90%); **11**, n=3 (83%)

i) **1**:**НА** = 1:1; 1) 0+2^{0}C, 1-1.5 с; 2) 20-25^{0}C, 1-1.5 с

Масалан, ДОП (**1**) совутилган (0^{0}C) конц. H_2SO_4 да эритилиб, шу ҳароратда НА томчилатиб қўшилади; сўнгра аралашма 0^{0}C да (1-1.5 соат) ва 20-25^{0}C да (1-1.5 соат) аралаштирилди ва маҳсулот (**8**) юқори унум билан олинди. **3-5**-Бирикмаларни нитролаш юқоридек олиб борилди; НА нинг миқдори, реакция ҳарорати ва давомийлиги оширилиши фақат *моно*-нитроҳосилаларга (**9-11**, 83-90%) олиб келади.

Нитро-ҳосилаларни қайтариш. Синтетик потенциали юқори аминобирикмаларни олишда нитро-ҳосилаларни (**8-11**) қалай (**А** усул) ва қалай (II) хлорид (**Б** усул) билан кислотали муҳитда қайтариш реакциялари олиб борилди. Дезоксипеганиннинг *моно*-нитро ҳосиласини (**8**) **А** усулда қайтариш натижасида 1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-7-амин (**12**) олинди:



8 **12** (**А**: 50%; **Б**: 57%)

i) А усул: 8: Sn - 1:5.2, HCl (36%), 95-98°C, 2 с. **ii) Б усул: 8:**$SnCl_2$ $2H_2O$ - 1:3, EtOH, HCl (36%), 20-25°C, 0.5 с; 95-98°C, 2 с; 20-25°C, 12 с.

Таъкидлаш керакки, қайтарилиш реакцияси қийин кетади ва ўртача унум билан амино-ҳосила (**12**) олинади. Қайтариш **Б** усулда олиб борилганда тегишли амино-ҳосила (**12**) нисбатан кўпроқ унум билан ҳосил бўлди. Нитро-ҳосилани (**8**) қайтариш учун Fe/AcOH (муз) системаси ҳам қўлланилди, лекин бунда **8** нинг кислородли аналоги (**9**) ҳосил бўлиши кузатилди. Олинган аминнинг (**12**) ^{1}H ЯМР спектрида CH_2 гуруҳлари - 2.96 ва 3.69 м.у.ларда триплет, 2.26 м.у.да мультиплет, ҳамда 4.65 м.у.да (пиримидин ҳалқасидаги CH_2 гуруҳи), ароматик протонлар (H-5,6,8) эса кучсиз соҳаларида – 6.40-6.73 м.у.да кимёвий силжишга эга эканлиги унинг тузилишини тасдиқлайди.

Тадқиқотлар давомида, керакли гомологик қатор амино-ҳосилаларни (**13-15**) синтези такомиллашган қайтариш усули (**Б** усул) асосида олиб борилди:



9, n=1; **10**, n=2; **11**, n=3

13, n=1 (93%); **14**, n=2 (94%); **15**, n=3 (85%)

Қайтариш **Б** усулда олиб борилганда реакция осон кетиб тегишли амино-ҳосилалар (**13-15**) юқори унумлар билан ҳосил бўлади, реакция **А** усулда олиб борилганда маҳсулотлар унуми 80% гача камайиши кузатилади.

1-Жадвал. Синтез қилинган бирикмаларнинг унуми ва баъзи физик-кимёвий катталиклари

Бирикма	Брутто формула	Унум, %	R_f (система)	Суюқланиш ҳарорати, ^{0}C
1	$C_{11}H_{12}N_2$	40	0.23 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1)	87-88
3	$C_{11}H_{10}N_2O$	85	0.75 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1)	110-111
4	$C_{12}H_{12}N_2O$	84	0.83 (C_6H_6:CH_3OH- 3:1)	99-100
5	$C_{13}H_{14}N_2O$	87	0.66 (C_6H_6:CH_3OH - 5:1)	97-98
6	$C_{11}H_9BrN_2O$	86	0.39 ($CHCl_3$:CH_3OH)	158-160
7	$C_{12}H_{11}BrN_2O$	85	0.34 ($CHCl_3$:CH_3OH)	118-119
8	$C_{11}H_{11}N_3O_2$	90	0.21 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1)	190-192
9	$C_{11}H_9N_3O_3$	85	0.59 (C_6H_6:CH_3OH - 5:1)	188-189
10	$C_{12}H_{11}N_3O_3$	90	0.52 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1)	183-184
11	$C_{13}H_{13}N_3O_3$	83	0.68 (C_6H_6:CH_3OH - 5:1)	156-158
12	$C_{11}H_{13}N_3$	50 (А усул) 57 (Б усул)	0.38 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1)	228-230
13	$C_{11}H_{11}N_3O$	93	0.57 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1)	253-254
14	$C_{12}H_{13}N_3O$	94	0.49 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1	199-200
15	$C_{13}H_{15}N_3O$	85	0.46 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1)	221-222
16	$C_{11}H_{10}N_4O_4$	90	0.66 (C_6H_6:CH_3OH - 3:1)	214-216
17	$C_{11}H_{14}N_4$	52 (А усул) 57 (Б усул)	0.16 (CH_3OH:C_6H_6 - 2:1)	266-268

Демак, хиназолин қатори нитро-бирикма (**8**) ўзининг кислородли аналогларига (**9-11**) нисбатан қайтарилиш реакцияларига қийинроқ киришади.

Диалмашинган дезоксипеганинлар синтези. Дезоксипеганин алкалоидининг (**1**) диалмашинган ҳосилалари ҳақида адабиётларда маълумотлар жуда кам. Дезоксипеганин (**1**) НА билан 1:2 нисбатдаги реакцияси молекулага иккинчи нитро-гуруҳнинг кириши билан боради:



1

i) А усул: 16: Sn - 1:12.1, HCl (36%), 95-98°C, 2 c

ii) Б усул: 16:$SnCl_2$ $2H_2O$ - 1:6, EtOH, HCl (36%), 20-25°C, 0.5 c; 95-98°C, 2 c; 20-25°C, 12 c.

Дезоксипеганин совутилган (0^0C) конц. H_2SO_4 да тўлиқ эритилиб, кейин шу ҳароратда НА (2 эквивалент) томчилатиб қўшилади; сўнгра 0^0C да (1-1.5 соат) ва 20-25^0C да (1-1.5 соат) аралаштирилади ва динитро-маҳсулот (**16**) жуда юқори унум билан синтез қилинади. Уни (**16**) нитро-гуруҳини қайтариш учун **А** ёки **Б** усулдан фойдаланилди. Реакция юқорида келтирилган усулдек амалга оширилди ва диамино-маҳсулот (**17**) ўртача унумлар билан олинди.

Дезоксипеганин ва уни гидрохлоридининг альдегидлар билан конденсацияси. Дезоксипеганин (**1**) ва унинг гидрохлориди дигидратини (ДОП·ГХ ДГ, **2**) ароматик альдегидлар билан конденсацияси ишқорий ёки кислотали муҳитда, турли ҳарорат ва вақтда олиб борилди. Ишқорий шароитдаги реакциялар **1**:альдегид:NaOH – 1:1.1:1.5 нисбатларда олиб борилди, альдегидлар сифатида 4-метокси-, -хлор-, -нитробензальдегидлар қўлланилди. Натижада арилиден маҳсулот - (*E*)-3-(4-метоксибензилиден)-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин (**18**, 68%), ҳамда таркибида иккита хирал марказ тутган (*E*)-3-(4-хлорфенил) (1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-3-ил)метанол

(**19**, 59%) ва (4-нитрофенил)(1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-3-ил)метанол (**20**, 62%) (1-расм) ҳосил бўлди:



i) **1**:4-OCH_3-C_6H_4-CHO**:**NaOH **-** 1:1.1:1.5, EtOH, 20-25^{0}C, 24 с.
ii) **1**:4-Cl-C_6H_4-CHO**:**NaOH **-** 1:1:1.5, EtOH, 20-25^{0}C, 24 с.
iii) **1**:4-NO_2-C_6H_4-CHO**:**NaOH **-** 1:1:1.5, EtOH, 20-25^{0}C, 24 с.



1-Расм. **20**-Бирикма моногидратининг кристалдаги тузилиши

Тадқиқотлар давомида ДОП·ГХ ДГ ни (**2**) *м*-нитробензальдегид (**a**) ва *п*-бромбензальдегид (**b**) билан реакциялари олиб борилди ва тегишли (3-нитрофенил)(1,2,3,9-тетрагидропиррроло[2,1-b]хиназолин-3-ил)метанол (**21**, 64%) ҳамда (4-бромфенил)(1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-3-ил)метанол (**22**, 63%) яхши унумлар билан синтез қилинди:



Реакциялар реагентларнинг **2**:**a**/**b**–1:1 нисбатларида олиб борилди. Натижалар кўрсатадики, реакция нуклеофил бирикиш билан кетади ва таркибида иккита асимметрик марказ сақлаган хирал моддалар (**21**, **22**) ҳосил бўлади. Лекин, **2** нинг бензальдегид, фурфурол, *п*-диметиламинобензальдегид, *п*-гидроксибензальдегидлар билан реакциялари ишқорий шароитда ёки пропион кислотада олиб борилганда аралашма ҳосил бўлади. Шундай қилиб, **1** нинг альдегидлар билан реакцияси унинг кислородли аналоглари (**3**, **4**) ва алмашинган ҳосилалари сингари кетиб, арилиден (**18**) ёки хирал бирикмалар (**19**-**22**) ҳосил бўлади.

Арилиден ҳосилаларнинг муқобил синтези. Илиден-қолдиғи сақлаган маҳсулотларнинг муқобил синтез усулини яратиш учун, турли трициклик хиназолонлар (**3**, **4**, **6**, **7**, **9**, **10**) танлаб олинди ва уларни альдегидлар билан реакциялари катализаторлар - ТЭА ва NaOH иштирокида абсолют этанолда олиб борилди (2-жадвал). Дезоксивазицинон (**3**) ва уни ҳосилаларини (**6**, **9**) альдегидлар билан конденсацияси олиб борилди ва тегишли илиден-ҳосилалар (**23**, **24**, **27**, **28**, **31**, **32**) синтез қилинди:



i) **3,6,9**:3,4-$(OCH_3)_2$-C_6H_3-CHO**:**ТЭА (NaOH) **-** 1:1:1, EtOH, 20-25^{0}C, 24 с;
ii) **3,6,9**:фурфурол**:**ТЭА (NaOH) **-** 1:1:1, EtOH, 20-25^{0}C, 24 с.

Бунда маҳсулотларнинг унуми бир-биридан сезиларли фарқ қилади, буни ТЭАнинг кучсиз асослиги сабабли депротонланиш қийин кетиши билан тушунтириш мумкин.

2-Жадвал. Синтез қилинган бирикмаларнинг унуми ва баъзи физик-кимёвий катталиклари

№	Дастлабки модда	Альдегид	Катализатор	Маҳсулот	*R_f	Унум, %
1	**3**	3,4-диметокси-бензальдегид	TEA	**23**	0.70	38
			NaOH			62
2	**3**	фурфурол	TEA	**24**	0.74	36
			NaOH			66
3	**4**	3,4-диметокси-бензальдегид	TEA	**25**	0.75	35
			NaOH			74
4	**4**	фурфурол	TEA	**26**	0.76	40
			NaOH			85
5	**6**	3,4-диметокси-бензальдегид	TEA	**27**	0.80	37
			NaOH			70
6	**6**	фурфурол	TEA	**28**	0.82	41
			NaOH			86
7	**7**	3,4-диметокси-бензальдегид	TEA	**29**	0.76	40
			NaOH			64
8	**7**	фурфурол	TEA	**30**	0.68	44
			NaOH			82.5
9	**9**	3,4-диметокси-бензальдегид	TEA	**31**	0.65	41.5
			NaOH			81
10	**9**	фурфурол	TEA	**32**	0.72	50.4
			NaOH			83
11	**10**	3,4-диметокси-бензальдегид	TEA	**33**	0.63	38
			NaOH			68.4
12	**10**	фурфурол	TEA	**34**	0.70	53
			NaOH			87

*Система: бензол:метанол=5:1.

Дезоксивазицинон қатори илиден ҳосилаларнинг (**23**, **24**, **27**, **28**, **31**, **32**) ^{1}H ЯМР-спектрларида 2-CH_2 гуруҳи протонлари 3.20-3.24 м.у. да (2H, триплет) кимёвий силжишга (КС), 1-ҳолатдаги протонлар эса 4.11-4.26 м.у. да (2H, триплет), (**23, 31**) метокси гуруҳлари OCH_3 мос ҳолда 3.55, 3.64 ва 3.61 м.у. ларда (3H, синглет), ароматик протонлар 6.36-8.83 м.у. ларда намоён бўлади. 1- ва 2-CH_2 гуруҳлари протонларининг триплет ҳолида намоён бўлиши реакциянинг триметилен занжирининг 3-ҳолатига кетганлигини тасдиқлайди.

Макиназолинон (**4**) ва ҳосилаларининг (**7**, **10**) ҳам альдегидлар билан конденсацияси олиб борилди ва тегишли илиден маҳсулотлар (**25**, **26**, **29**, **30**, **33**, **34**) олинди (3-жадвал):



25, R=H; **29**, R=Br; **33**, R=NO_2

4, R=H; **7**, R=Br; **10**, R=NO_2

26, R=H; **30**, R=Br; **34**, R=NO_2

i) **4,7,10**:3,4-$(OCH_3)_2$-C_6H_3-CHO **:** ТЭА (NaOH) **-** 1:1:1, EtOH, 20-25^{0}C, 24 с;

ii) **4,7,10**:фурфурол**:**ТЭА (NaOH) **-** 1:1:1, EtOH, 20-25^{0}C, 24 с.

Синтез қилинган, макиназолинон қатори илиден-ҳосилаларининг (**25**, **26**, **29**, **30**, **33**, **34**) ^{1}H ЯМР-спектрларида 9-CH_2 гуруҳи протонлари 3.90-3.94 м.у. да (2H, триплет) кимёвий силжишга (КС), 7-ҳолатдаги протонлар эса 2.74-2.80 м.у. да (2H, триплет), OCH_3 гуруҳлари (**25, 29, 33**) мос ҳолда 3.56, 3.59 ва 3.58 м.у. ларда

(3H, синглет), ароматик протонлар эса 6.30-8.83 м.у. да намоён бўлади. 9- ва 7-CH_2 гуруҳлари протонларининг триплет ҳолида намоён бўлиши, реакцияни тетраметилен занжирининг 4-ҳолатига кетганлигини исботлайди. Шундай қилиб, реакциялар асосли ва ишқорий шароитларда олиб борилганда илиден-маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши, адабиётлардаги (кислотали муҳитда) усулларга нисбатан самарали муқобил синтез усули бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Дезоксипеганиннинг молекуляр бром билан таъсирлашиши. Дезоксипеганин гидрохлоридининг (**2**) молекуляр бром билан реакциялари реагентларнинг **2:**Br_2 – 1:2 нисбатларида, муз AcOH (ёки абс. $CHCl_3$) да 30 дақиқа давомида аралаштириш билан олиб борилди ва ўзаро резонанс шаклда бўладиган пербромид (**35a,b**) яхши унум (65%) билан олинди (3-жадвал):



Олинган пербромид (**35a,b**) - пушти рангли кристалл модда, у оддий шароитда сақланганда Br_2 чиқиб кетиши натижасида тегишли гидробромидга айланади. Шунинг учун, унинг кимёвий ўзгаришлари синтез қилингандан кейин қисқа вақтларда ўрганилди. Пербромид (**35a,b**) ацетон билан ишланганда, ацетоннинг бромланиши туфайли бромацетон ҳосил бўлади ва етарли даражада барқарор, оқ рангли кристалл модда - гидробромид (**36a,b**; 78%) чўкмага тушади. Пербромид 5%-ли $NaHCO_3$ таъсирида оч-сариқ рангли бромли комплексга (**37**, 90%) айланади. Гидробромидга 25%-ли сувли аммиак таъсир эттирилганда миқдорий унумлар (98%) билан дезоксипеганинга (**1**) ўтади. Шундай қилиб, ДОП ГХ нинг (**2**) бром билан реакцияси хиназолонларга мос ҳолда боради.

3-Жадвал. Синтез қилинган моддаларнинг баъзи катталиклари

Бирикма	Брутто-формуласи	Суюқланиш ҳарорати, ^{0}C	Унум, %
1	$C_{11}H_{12}N_2$	92-93	98*
35	$C_{11}H_{13}N_2Br_3$	58-60	65
36	$C_{11}H_{13}N_2Br$	250-252	90
37	$C_{11}H_{12}N_2Br_2$	130-132	70

* Гидробромиднинг (**36**) аммиак билан таъсиридан олинган **1** нинг унуми келтирилган.

Бирикмаларнинг тузилиши ИҚ-спектроскопия ва пербромиднинг айрим кимёвий ўзгаришлари – гидробромид ва бромли комплекс ҳосил қилиши билан исботланди. Уларнинг (**35-37**) C=N гуруҳи валент тебранишлари нисбатан кучсиз майдонда - 1564-1578 $см^{-1}$, дастлабки моддада (**2**) эса 1554-1560 $см^{-1}$ соҳада намоён бўлади.

Амино-дезоксипеганинларни ациллаш реакциялари. 7-Амино- (**12**) ва 5,7-диаминодезоксипеганинни (**17**) ациллаш реакцияларини олиб бориш, реакциялар боришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва натижаларни унинг кислородли аналоги (**13**) натижалари билан таққослаш мақсадида уларни сирка,

пропион ангидридлари ва бензоил хлорид билан реакциялари олиб борилди. **12** нинг Ac_2O билан реакцияси аввал хона ҳароратида 24 соат қолдириш, кейин 4 соат давомида қиздириш билан олиб борилди:



i) 12:Ac_2O - 1:14, 20-25°C, 24 с, 95-98°C, 4 с. **ii) 12:**BzCl:ТЭА - 1:1.3:1.3, C_6H_6 (абс.), 80°C, 4 с.

Ac_2O нинг ортиқча олиниши, реакцияни узоқроқ вақт ва қиздириб олиб борилганда ҳам **12** ни кислородли аналогига (**13**) нисбатан секинроқ реакцияга киришади ва N-(1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-7-ил)ацетамидни (**38**, 54%) ҳосил қилади. **12** нинг бензоил хлорид билан реакцияси натижасда эса N-(1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-7-ил)бензамид (**39**, 14%) анча паст унум билан олинди. Реакция вақти ва давомийлигини оширилиши маҳсулот унумининг сезиларли ошишига олиб келмайди.

Тадқиқотлар давомида, иккита амино гуруҳ тутган - 5,7-диаминодезоксипеганинни (**17**) сирка ва пропион кислота ангидридлари билан реакциялари реагентларнинг **17**:Ac_2O – 1:14 нисбатда аралашмаси билан олиб борилди:



i) 17:Ac_2O - 1:10, 20-25°C, 20 с; 50°C, 4 с.
ii) 17:$(EtCO)_2O$ - 1:10, 20-25°C, 20 с; 50°C, 4 с

Ацилловчи агентлар ортиқча миқдорда (10 экв.) ишлатилсада, реакция хона ҳароратида секин кетиши кузатилди, шунинг учун аралашма 50^0C ҳароратда 4 соат қиздирилди ва диацил-маҳсулотлар - N,N'-(1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-5,7-диил)диацетамид (**40**, 57%) ва N,N'-(1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-5,7-диил)-дипропионамид (**41**, 53%) синтез қилинди.

Трициклик хиназолинлар ва хиназолонлар қаторида сульфонамидларнинг бир реакторли синтези. Дастлабки моддалар қаторида сульфонамидларнинг бир реакторли синтезини амалга ошириш ва реакциялар боришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида дезоксипеганин (**1**) ва дезоксивазицинон (**3**) алкалоидларининг хлорсульфон кислота ва концентрланган аммиак билан бир реакторли икки босқичли реакцияларини амалга оширилди. Юқори синтетик потенциалга эга бўлган дезоксипеганин-7-сульфонилхлорид (**42**) ва дезоксипеганин-7-сульфонамидни (**43**) синтез қилиш учун реакция дастлаб дезоксипеганин (**1**) билан амалга оширилди. Бунинг учун, **1** аввал совуқ шароитда $ClSO_3H$ да эритилади, реакцион эритма мой ҳаммомида 120-130^0C да 4 соатгача қиздирилди. Аралашма 0-2^0C гача совутилиб ортиқча миқдордаги конц. NH_4OH га секин қўшилади ва совутгичда (5+6^0C) 16 соатгача қолдирилди ва дезоксипеганин-7-сульфонамид (**43**, 50%) синтез қилинади:



1 **42** **43**

i) $ClSO_3H$, 120-130^{0}C, 3.5-4 с; **ii**) 0-2^{0}C, 25% NH_4OH, 5-6^{0}C, 16 с

Оралиқ маҳсулотни (**42**) индивидуал ҳолда олишнинг имкони бўлмаганлиги (қўшимча моддалар ҳам борлиги) сабабли у ажратилмасдан сульфонамидга айлантирилди ва натижада сульфонамиднинг (**43**) бир реакторли икки босқичли синтез усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар давомида, дезоксивазициноннинг (**3**) $ClSO_3H$ билан реакцияси юқоридагидек олиб борилди, фақат, реакция сўнгида аралашма 0-2^{0}C гача совутилгач муз устига қуйилади. Чўкмага тушган 9-оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-7-сульфонилхлорид (**44**, 69%) яхши унум билан олинади. Дезоксивазицинон (**3**) қатори сульфонамидни (**45**) синтез қилиш учун дезоксипеганин (**1**) учун таклиф этилган усулдан фойдаланилди:



44, 46, 48 **3, 4, 5** **45, 47, 49**

3, 44, 45 n=1; **4, 46, 47** n=2; **5, 48, 49** n=3; **i**) **3/4/5**:$ClSO_3H$ - 1:22.5, 120-130^{0}C, 3.5-4 с; H_2O (муз), 0-2^{0}C, 3.5-4 с; **ii**) **3/4/5**:$ClSO_3H$ - 1:22.5, 120-130^{0}C, 3.5-4 с; **iii**) 0-2^{0}C, 25% NH_4OH, 5-6^{0}C, 16 с.

Усулнинг афзаллиги шундаки, бунда оралиқ сульфохлорид (**44**) ажратилмасдан, конц. NH_4OH билан таъсирлашиб 9-оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-7-сульфонамидга (**45**, 79%) айланади. Тадқиқотлар макиназолинон (**4**) билан давом эттирилди ва 11-оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6H-пиридо[2,1-b]хиназолин-2-сульфонилхлорид (**46**, 58%) ва 11-оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6H-пиридо[2,1-b]хиназолин-2-сульфонамид (**47**, 40%) синтез қилинди.

4-Жадвал. Синтез қилинган бирикмаларнинг унуми ва баъзи физик-кимёвий катталиклари

Бирикма	Брутто формула	Унум, %	R_f (система)	Суюқланиш ҳарорати, ^{0}C
43	$C_{11}H_{13}N_3O_2S$	50	0.41 (бензол:метанол - 3:1)	269-270
44	$C_{11}H_9ClN_2O_3S$	69	0.38 (бензол:метанол - 3:1)	200-202
45	$C_{11}H_{11}N_3O_3S$	79	0.56 (бензол:метанол - 3:1)	270-272
46	$C_{12}H_{11}ClN_2O_3S$	58	0.29 (бензол:метанол - 3:1)	248-250
47	$C_{12}H_{13}N_3O_3S$	40	0.24 (бензол:метанол - 3:1)	372-374
48	$C_{13}H_{13}ClN_2O_3S$	94	0.22 (бензол:метанол - 3:1)	380
49	$C_{13}H_{15}N_3O_3S$	90	0.37 (бензол:метанол - 3:1)	379-381

Реакциялар боришига субстратлар тузилишининг таъсирини аниқлаш учун тадқиқотларни пентаметилен занжири тутган 7,8,9,10-тетрагидроазепино[2,1-b]хиназолин-12(6H)-он (**5**) билан юқоридаги усулда олиб борилди. Тажрибалар натижасида реакцияларнинг бошқа гомологик қатор (**1**, **3**, **4**) субстратларига нисбатан осон кетиши ва керакли 12-оксо-6,7,8,9,10,12-гексагидроазепино[2,1-b]хиназолин-2-сульфонилхлорид (**48**, 94%) ва 12-оксо-6,7,8,9,10,12-гексагидроазепино[2,1-b]хиназолин-2-сульфонамид (**49**, 90%) юқори унумлар билан олинди. Натижада, реакцион фаол сульфохлоридлар ва сульфонамидларнинг

самарали бир реакторли икки босқичли синтез усуллари ишлаб чиқилди. Бу бирикмалар ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган билдинг-блоклардир.

Трициклик хиназолинлар ва хиназолонлар қаторида бир реакторли кросс-бирикиш ва диазотирлаш/кросс-бирикиш реакциялари. Сузуки-Мияура кросс-бирикиш ва диазотирлаш/кросс-бирикиш реакциялари учун таркибида бром атомлари (**6**, **7**) ва амино-гуруҳлар (**12**, **13**) сақлаган дастлабки субстратлар танланди. Мақсад, реакциялар боришига субстратлар тузилиши, реакция ҳарорати ва давомийлиги таъсирини аниқлаш эди. Реакциялар *моно*-бромхиназолонларнинг (**6**, **7**) 3,4,5-триметоксифенил боркислотаси билан ацетон ва сув эритувчилар аралашмасида $Pd(OAc)_2$ катализатори иштирокида нисбатан паст ҳароратда ўтказилди. Эътиборли томони шундаки, реакция жуда қисқа вақт ичида (30 дақиқада) якунланади ва конверсия 100% ни ташкил қилади. Натижада кросс-бирикиш маҳсулотлари - **50** (97%) ва **51** (98%) деярли миқдорий унумлар билан олинди (5-жадвал). Қуйидаги 2,3,4-расмларда маҳсулотларнинг (**50-52**) кристалдаги тузилишлари келтирилган:



i: $Pd(OAc)_2$ (4.2 моль%), 3,4,5-триметоксифенилбор кислота (1.12 экв.), Na_2CO_3 (1.25 ммоль), Ацетон/H_2O - 4/2 (v:v), 40-45°C, 0.5 с (конверсия 100%).
ii: $Pd(OAc)_2$ (4.2 моль%), Бензотиофен-3-бор кислота (1.12 экв.), Na_2CO_3 (1.25 ммоль), Ацетон/H_2O - 4/2 (v:v), 40-45°C, 3 с; 20-25°C, 12 с.
iii: $Pd(OAc)_2$ (4.2 моль%), 2,4,6-трифторфенилбор кислота (1.12 экв.), Na_2CO_3 (1.25 ммоль), Ацетон/H_2O - 4/2 (v:v), 40-45°C, 15 с, 20-25°C, 12 с.



2-Расм. **50**-бирикманинг кристалдаги тузилиши



3-Расм. **51**-бирикманинг кристалдаги тузилиши



4-Расм. **52**-бирикманинг кристалдаги тузилиши

